

Контейнери бўлган ва ёки контейнери бўлмаган юридик шахслар учун маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб
чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА 1

2022 йил "24" январ

Кўшработ туман

Самарканд вилоят "ТОЗА ХУДУД" ДУК Кўшработ туман(шахар) филиали бундан буён матнда "ИЖРОЧИ"
деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар Маминаов Шерали бир томондан,
Кўшработ туман 2-сон касб-хўшкорлик маркази бундан буён матнда "ИСТЕЪМОЛЧИ"
деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар Атабаев С.Ш., иккинчи
томондан ушбу шартномани, қуйидаги мақсадларда туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1. Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи ўртасида маиший чикиндиларини олиб чикиб кетиш
хизматлари бўйича тўғридан тўғри хўжалик алоқа ўрнатилди.8*/

1.2. Истеъмолчи топширади, Ижрочи эса Истеъмолчи жойлашган худуд манзилдан бир ойда ____ м3дан (____ л.,
____ кг., ____ м3) чикинди саклаш контейнердаги (факат МЧ) маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларини
бажаришни ўз зиммасига олади, ҳамда "Йўналиш варакасига" ва буюртмачини аризасига бажарган ишлари юзасидан
белги қўйдиради.

2. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ:

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх хар бир м3 МЧ учун 44700 (қирк тўрт минг етти юз)
сўм ҚҚС билан 51405 (эллик бир минг тўрт юз беш) сўмни ташкил этади.

Шартнома бўйича бир ойлик кўзда тутилган чикинди микдори 19,4 м3 тўловнинг умумий суммаси қўшимча киймат
солиғи билан 997257 (тухтатиш 100 тўловли етарлилик) сўмни ташкил этади.

2.2. Маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани
тўғрисида Истеъмолчининг абонетлик пунктларида эълонлар осий йўли билан, шуниндек оммавий ахборот воситалари
орқали Истеъмолчига маълум қилиш.

2.3. Истеъмолчилар маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун ойлик
тўловни 100 фоиздан кам бўлмаган микдорда 1 ой олдин амалга ошириши шарт.

2.4. Юридик манзил, банк реквизитлари, корхона номлари ёки МЧ ҳажми ўзгарган тақдирда, томонларни 10 кун
олдин ёзма равишда огоҳлантириш керак.

2.5. Кўрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи ва Ижрочи вакиллар томонидан
имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи
факт бўйича далалатнома тузилади.

Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисида тузилган
далолатнома маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар микдорини қайта
ҳисоб-китоб қилиш, шуниндек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун ҳисобланади.

Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар
факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

Истеъмолчи, Ижрочининг, фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари
ширкати вакилларининг имзолари бўлгандагина далолатнома ҳақиқий ҳисобланади.

Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой
мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади.

Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса, мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош тортганли
сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича
кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўхтатишга ҳақлидир.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

Белгиланган муддатларда маиший чикиндиларни олиб чикиб кетишни амалга ошириш;

Қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш;

Маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал
вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича
Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб
бориш;

Истеъмолчининг мурожаатига асосан, алоҳида кўрсатилган нарх бўйича бузилишдан қолган қурилиш
чикиндиларни, грунтни, агротехник ишлардан чиқарилган чикиндиларни (шоҳ-шаббалар, буталар ва бошқалар), олиб
чикиб кетиш учун қўшимча транспорт воситасини ажратиш;

Чикинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда
бўлишини таъминлаш;

Аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли
моддаларнинг ривожланишига, чикиндиларнинг қўллаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш
(контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

Маиший чикиндиларнинг иккиламчи хом ашёларини қабул қилиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарга
белгиланган тартибда топширилишини таъминлаш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймастик ва уларни бартараф этиш
чораларини қўллаш;

Маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган
хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

3.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

МЧ ташланадиган контейнерларни курилиш ва йирик хажмдаги чикиндилар, шох-шаббалар билан тўлдириш аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чикиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида шартнома тузиш ва ҳақ тўлаш.

Чикинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чикинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарни эркин яқинлашишини ва чикинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш;

Маиший чикиндини ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда +99899-018-14-28 телефонига маълумот бериш;

Бажарилган ишнинг ҳажмини Ижрочининг ҳужжатларида Истеъмолчи вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш;

Хар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш;

Хар ойда ойнинг охиригача ўтган ойда бажарилган ишларнинг далолатномасига асосан пул маблағларини Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда режавий иш ҳажмига қараб олдиндан 100 % кам бўлмаган микдордаги тўловларни амалга ошириш;

3.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида ва муддатдан кечиктириб бажарганлик учун хар бир кунига, 0,4 % микдорда, лекин иш ҳажмини 50 % дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

Хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган микдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш;

Ижрочидан маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов микдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;

Маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва вақт режимда шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочиға ёзма ёки телефон орқали шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлик кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

Шартномага мувофиқ, вақтинча ишлаб чиқариш ишлари бўлмаган, ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлик ёки қисман озод қилиниш;

Маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажармаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Кўрсатилган хизматлар учун буртмачидан тўловларни ўз вақтида талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Мижозлар томонидан қаттиқ маиший чикиндиларни кўчаларга, сув йўлларига ариқ ва қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун мўлжалланмаган жойларга шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситаси юрадиган қисмига ташлаган ҳолатларда Ижрочининг вакиллари томонидан аниқланса, ижрочининг вакиллари томонидан тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош торган ҳолатларда, ижрочининг вакили томонидан тузилган далолатнома қонуний жаримага тортиш ҳуқуқига эга.

5. ШАРТНОМА МУДДАТИ:

5.1. Шартнома муддати “ ” 2022 йилдан “ ” 2022 йилгача белгиланади.

5.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади. Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар тегишли тартибда туман ёки шаҳар ғазначилик бўлинмасига тақдим этилиб руйхатдан ўтгазилади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

6.1. Томонлар орасида келиб чиққан барча келишмовчилик ва тортишувлар судга музокаралар йўли билан ҳал этилади. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган келишмовчиликлар, томонлар томонидан ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчиликка биноан иқтисодий суд орқали ҳал этилади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

“ИЖРОЧИ”

Самарқанд вилоят “Тоza худуд” ДУК
Кўшработ туман филиали
Манзил: Қўралос МФЙ
Тел: +99899-018-14-28 +99897-578-58-90
Банк номи: Қўшработ Агробанк
Х/р: 20210000900781002011
МФО 00313
СТИР 304938205
ХХТТ 38210
КҚС коди: 318010013508



Раҳбар:

М.У

Юрист: Ш. Умаров

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Қўшработ тумани 2-сон РКМ
Манзил: Қўшработ тумани Зарқоғон й.

Тел: +998997900267
Х/р: 100010860182167092901079002
ИНН: 207027326 ОКОНХ 85320
МФО: 00014 ХХТТ
КҚС-коди:

Ғазначилик бўлинмаси Молия Вазирлиги Ягона Ғазна
хисобварағи
х/в: 2340200040010000010
Банк номи: Тоza Ғазна ШМБ ХҚКМ ИНН 20112

Раҳбар:

ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 27.01.2022 г. № 1

между Тоза хухуд ДУК филиали и Кушработ туман 2-сон касб-хунар мактаби на общую сумму 997257,00

079

100010860182167092901079002

(в сумах)

Глава
Казначейский лицевой счёт

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4225000			
	997 257,00			997 257,00
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				997 257,00
Всего за год	997 257,00			

Всего 997257,00 сум

Девятьсот девяносто семь тысяч двести пятьдесят семь сум 00
тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 997257,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;
(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;
(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского подразделения

«__» _____ 20__ г.



Атабаев Самат
Ф.И.О.



Боликулов Хусан
Ф.И.О.

Получил работник
заказчика

«__» _____ 20__ г.